

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали бонд варақ хатни комиссиясининг раиси



Ж.М.Ишбабаев

2022 йил

Шифохона беморларига иссик овқат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи ташкилотларга талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар рўйхати

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлов предмети

Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Танлов комиссиясининг вазифалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари
Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатининг таркиби
Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш
Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

B. Танлов ҳужжатларини тайёрланиши

Танловда қатнашиш харажатлари
Танловда қўлланиладиган тил
Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

Г. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати
Танлов таклифларининг очилиши

Д. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

A. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат

рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, Рухий Шифохона диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 5 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 55 000 000 сўм.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг)-нархи қўшимча қиймат солиғисиз билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 31 кун.

2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали

Манзили: 100190, Сурхондарё вилоят Термиз шаҳар Учкун куча 5 уй

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат ҳаридлари бўйича мутахассис бош ҳисобчи Ш.Ш.Тангиркулов ;

Тел.: (90) 747-58-50

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танловни ўтказиш;
- танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига катъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-катнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганати, таҳлил қилади ва кўриб чиқади:

-энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан катъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- танлов таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов ғолиби – таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инософсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқдорнинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қондасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошқор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов қатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи

имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган тақлифларда ёзув каторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу тақлиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

17. Танлов тақлифларини топширишнинг охири муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танлов тақлифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш кuni этиб белгиланади**).

17.2. Танлов тақлифларини топширишнинг охири муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлов тақлифларини топширишнинг охири муддатига 3 кун қолгунга қадар танлов қатнашчиси ўз тақлифларини қайтариб олиши ёки тақлифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган тақлифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлов тақлифларининг очилиши

18.1. Танлов тақлифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 иш кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов тақлифларни куриб чиқади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва таъйовга кўйилмаган тақлифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

Д. ТАНЛОВ ТАҚЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлов тақлифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов тақлифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов тақлифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов тақлифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танлов қатнашчисидан унинг танлов тақлифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов тақлифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг тақлифларини молиявий баҳолаш, тижорат тақлифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов тақлифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх тақлиф қилган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Яқун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, қўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов тақлифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришинома беради ва яқунларини Республика товар-ҳом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz маҳсул порталида эълон қилади.

20. Тақлифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

катнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;
таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш
натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик
киладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган
сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар
билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғриладан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов
комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл
қўйилмайди.

20.4. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:
тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса
ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд
бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов қатнашчиларидан бирон-бирининг
мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика
товар-ҳом ашё биржасининг www.xarid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат
ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш
учун қафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга
бўлган захирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов ўтказишни
тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш қафолатини муддатда бера олмаса кейинги
энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини
бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

II БОБ. Танлов таклиф шакллари

1-шакл

№ _____ -лот

Танлов қатнашчисининг ташкилий тузилмаси

Танлов қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг:
майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва
мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ _____ -лот

(Қатнашчининг фирма бланкасида)

№ _____ ва _____ сана

Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлов савдолари иштирокчисининг номи: _____

Манзили ва телефон рақами: _____

Факс: _____

Юридик ақоми: _____

Ташкил этилган жойи ва санаси: _____

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: _____

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: _____

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): _____

Камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар: _____

Танлов қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]
- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];
- омборхона жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];
- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

3-шакл

№ _____ -лот

Маҳсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: _____

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топшириқ талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Танлов ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ _____ -лот

ТАНЛОВ ТАКЛИФИ

КИМГА: Танлов комиссиясига

Жаноблар!

Савдо учун олиниси (хизмат кўрсатиш) ушбу билан тасдиқланувчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, биз куйида имзо чекувчилар, ушбу Танлов таклифининг бир қисми ҳисобланувчи ва таклиф этилаётган нарх-наво жадвали билан тасдиқланувчи _____

суммадаги

(Танлов таклифининг умумий суммаси ёзма ва рақамларда)

кўрсатилган ҳужжатлар асосида етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг Танлов таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун Буюртмада келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) графиги асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг _____ (_____) сўм закат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Танлов Буюртмачиси ихтиёрида туради.

Биз танлов таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 30 (ўттиз) банк кун давомида ушбу танлов таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Расмий Шартномани тайёрлаб ва уни расмийлаштиргунга қадар ушбу танлов таклифи, унинг қабул қилинишидаги Сизнинг ёзма тасдиғингиз ва Шартномага эга бўлганлигингиз ҳақидаги Сизнинг билдириш хатингиз билан биргаликда бизнинг ўртамаздаги ҳақиқий (мажбурий) Шартнома ролини бажаради.

Биз албатта инobatга оламизки (тушунамизки). Сиз ўта кичик ҳисоб кийматида эга бўлган танлов таклифини ёки умуман Сиз олган таклифлардан қайси биринидир қабул қилишга мажбур эмассиз.

Биз ҳар ойнинг иккинчи санасида, бутун етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) даври мобайнида танлов савдоси шартларининг ижро этилиши ҳақидаги ахборот-маълумотларни тақдим этиб бориш мажбуриятини оламиз.

20 й. _____ ойининг _____ санаси билан белгиланди.

[имзо]

[лавозими]

(савдо иштирокчисининг номланиши)

Қатнашчининг номидан ва топшириғи бўйича Танлов таклифини имзолаш ваколатига эгалик қилувчи

**ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.**

№ _____ -лот

Қатнашчи таклиф этган маҳсулотнинг (хизматларнинг, ишларнинг) нарх жадвали

Иштирокчи: _____

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир донасининг нархи	Умумий нархи
1.					
2.					

Етказиб берилётган махсулот умумий қиймати жами:

сўмни ташкил этади.

Изоҳ: махсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фаркланиш аниқланилса, бундай ҳолда бир дона махсулотнинг нархига қаралади.

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. **Хизматларнинг тўлиқ номи:** Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. **Буюртмачи:** Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали

1.3. **Етказиб берувчи:** Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. **Хизмат кўрсатиш муддати:** 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 59 кун ичида.

1.5. **Молиялаштириш манбалари:** Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. **Хизмат кўрсатувчи ташкилот** Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали диспансери беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

т. Иш куни навбатчилик асосида ҳар кун ҳисобланади.

1-жадвал

Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизмати	порц	9300

IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини	порц	9300

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чикиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 28.02.2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 31.12.2022 йилгача давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Сурхондарё Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали 2022 йил бюджет маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

[Иштирокчининг номи ва почта манзили]

Республика ихтисослаштирилган Наркология
илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё
вилоят филиали **190100 Термиз ш,**

Харид комиссиясига

2022 йил " ____ " _____ соат 17:00 гача (маҳаллий вақт билан) ОЧИЛМАСИН

Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилоят филиали беморларига иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизматини курсатиш бўйича танловда иштирок етиш.

Таклифни келиб тушган санаси " ____ " _____ 2022 й.

Вақт _____ соат. _____ дақиқа

* Тижорат таклифидан электрон қабул қилиш танлов комиссияси котиби томонидан амалга оширилади:

Ш.Ш.Тангиркулов;

Тел.: (90) 747-58-50

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.